

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВ ДИЛМУРОД ТЎХТАСУНОВИЧ

**ШАРТЛИ ГАУСС ФИЛЬТРАШ УСУЛИ АСОСИДА СТОХАСТИК
БОШҚАРУВ ОБЪЕКТЛАРИ ҲОЛАТИНИ АДАПТИВ БАҲОЛАШ
АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш
ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент– 2019

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси автореферати мундарижаси

Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD)

Content of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD)

Қодиров Дилмурод Тўхтасунович

Шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқарув объектлари ҳолатини адаптив баҳолаш алгоритмлари.....3

Қодиров Дилмурод Тухтасунович

Алгоритмы адаптивного оценивания состояния стохастических объектов управления на основе методов условно-гауссовской фильтрации.....21

Kodirov Dilmurod Tuxtasunovich

Adaptive evaluation algorithms for the status of stochastic control objects based on condition-gauss filtration methods.....39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works42

**ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ
ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.27.06.2017.Т.03.02 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ТЕХНИКА УНИВЕРСИТЕТИ

ҚОДИРОВ ДИЛМУРОД ТЎХТАСУНОВИЧ

**ШАРТЛИ ГАУСС ФИЛЬТРАШ УСУЛИ АСОСИДА СТОХАСТИК
БОШҚАРУВ ОБЪЕКТЛАРИ ҲОЛАТИНИ АДАПТИВ БАҲОЛАШ
АЛГОРИТМЛАРИ**

**05.01.08 - Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш
ва бошқариш**

**ТЕХНИКА ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида №В2017.2.PhD/Т169 рақам билан рўйхатга олинган.

Докторлик диссертацияси Тошкент давлат техника университетида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгашнинг веб-саҳифасида (www.tdtu.uz) ҳамда «ZiyoNet» Ахборот таълим порталида (www.ziyounet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар: **Игамбердиев Хусан Закирович**
техника фанлари доктори, профессор, академик

Расмий оппонентлар: **Гулямов Шухрат Маннапович**
техника фанлари доктори, профессор

Холматов Даврон Абдуалимович
техника фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот: **Бухоро муҳандислик-технология институти**

Диссертация ҳимояси Тошкент давлат техника университети ҳузуридаги DSc.27.06.2017.Т.03.02 рақамли Илмий кенгашнинг 2019 йил «___» _____ соат ___ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz).

Диссертация билан Тошкент давлат техника университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (87 рақам билан рўйхатга олинган). Манзил: 100095, Тошкент шаҳри, Университет кўчаси, 2. Тел.: (99871) 246-03-41.

Диссертация автореферати 2019 йил «___» _____ куни тарқатилди.
(2019 йил «___» _____ даги ___ рақамли реестр баённомаси).

Н.Р.Юсупбеков

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш раиси,
т.ф.д., профессор, академик

У.Ф.Мамиров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш илмий котиби,
техника фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.М.Назаров

Илмий даражалар берувчи
илмий кенгаш қошидаги
Илмий семинар раиси ўринбосари, т.ф.д., доцент

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда сўнги вақтларда технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш соҳасида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини баҳолаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу соҳада шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг мунтазам алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим масалалардан бири ҳисобланади. Шу жиҳатдан шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг хилма-хил усул ва алгоритмларини ишлаб чиқиш муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Жаҳонда динамик объектларни адаптив бошқариш масалаларини ечишга мўлжалланган стохастик бошқариш объектлари ҳолатини баҳолашга йўналтирилган универсал ёндашувни яратиш бўйича илмий-тадқиқот ишлари олиб борилмоқда. Шу боисдан турли шовқин ва ғалаёнли шароитларда шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг усул ва алгоритмларини такомиллаштириш ва модификациялаш муҳим масала ҳисобланади.

Ҳозирги вақтда республикамизда автоматлаштириш ва бошқариш йўналишига, хусусан, турли технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришларни автоматлаштириш ва бошқаришда энергия ва ресурс тежамкорликни таъминловчи, такомиллашган бошқариш системаларини яратишга катта эътибор қаратилмоқда. 2017-2021 йилларда Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегиясида, жумладан «...иқтисодиётнинг энергия ва ресурс сарфини қисқартириш, ишлаб чиқаришга энергиятежамкор технологияларни жорий этиш, иқтисодиёт тармоқларидаги меҳнат унумдорлигини ошириш»¹ вазифалари белгилаб берилган. Мазкур вазифаларни амалга ошириш, жумладан, аниқликни ва бошқариш жараёнининг сифат кўрсаткичларини оширишга имкон берувчи шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг самарали алгоритмларини яратиш жуда муҳим вазифалардан бири ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги, 2017 йил 27 июлдаги ПҚ-3151-сон «Олий маълумотли мутахассислар тайёрлаш сифатини оширишда иқтисодиёт соҳалари ва тармоқлари иштирокини янада кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги, 2018 йил 27 апрелдаги ПҚ-3682-сон «Инновацион ғоялар, технологиялар ва лойиҳаларни амалий жорий қилиш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишга ушбу диссертация тадқиқоти муайян

¹ Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ-4947-сон «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича Ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони

даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялар ривожланишининг IV. «Ахборотлаштириш ва ахборот-коммуникация технологияларини ривожлантириш» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолаш усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш бўйича ўтказилган тадқиқотларга тегишли бўлган, сўнгги йиллардаги илмий-техник адабиётлар таҳлили ушбу соҳада аҳамиятли даражадаги назарий ва амалий натижаларга эришилганлигидан дарак беради. Адаптив бошқариш системаларини синтезлаш муаммоларига бағишланган кўп сондаги ишлар нашр этилган, умумназарий мезонлар ишлаб чиқилган, ечилган амалий масалалар сони ортиб бормоқда. Стохастик бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолаш усуллари ривожига кўплаб хорижлик олимлар, жумладан Andreas S.S., Boujema A., Chen R., Glonti O.A., Hans A.K., Ibrahim H., Kalman R., Khechinashvili Z., Liu J.S., Nan C., Peter D., Singh T., Singla P., Terejanu G., Бабич О.А., Барабанов А.Е., Белицер Э.Н., Борисов А.В., Воробейчиков С.Э., Григорьев Г.К., Демин Н.С., Еникеева Ф.Н., Клепцына М.Л., Конев В.В., Корепанов Э.Р., Краснова С.А., Кузнецов Н.А., Липцер Р.Ш., Лепский О.В., Лукомский Ю.А., Миллер Б.М., Мирошников А.Н., Овчаренко В.Н., Панков А.Р., Платонов Е.Н., Полин С.В., Приходько М.Л., Пчелинцев Е.А., Рыбаков К.А., Семаков С.Л., Семенихин К.В., Сергеев И.В., Сеницын И.Н., Стефанович А.И., Уткин А.В., Фрадков А.Л. ва бошқалар, ҳамда мамлакатимиз олимлари, жумладан Азимов Б.М., Бекмуратов Т.Ф., Гулямов Ш.М., Жуманов И.И., Зарипов О.О., Игамбердиев Х.З., Исмаилов М.А., Кадыров А.А., Камалов Н.З., Камилов М.М., Марахимов А.Р., Сиддиқов И.Х., Фозилов Ш.Х., Юсупбеков Н.Р. ва бошқалар ўзларининг улкан ҳиссаларини қўшишган.

Бироқ илмий-тадқиқот объектлари доирасининг кенгайиши ва доимий мураккаблашуви шартли Гаусс филтрлаш концепцияси асосида ноаниқлик шароитида адаптив идентификациялаш, ҳолатни баҳолаш ва бошқаришнинг янги самарали усул ва алгоритмларини ишлаб чиқишни талаб этади. Шунингдек, корреляцион шовқинларнинг нопараметрик тавсифида бошқариш объектларини шартли-оптимал филтрлаш ва параметрик ғалаёнларни ҳисобга олган ҳолда бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг мунтазамлашган алгоритмлари ўз ривожини талаб этмоқда. Бундан ташқари, бошқариш объектлари ҳолатини субоптимал баҳолашнинг турғун алгоритмларини, бошқарилувчи объектларнинг кенгайтирилган ҳолат векторларини, шунингдек нозикли бошқариш объектлари ҳолатини кўп қадамли баҳолашнинг турғун алгоритмларини ишлаб чиқиш мақсадга мувофиқ бўлади. Юқорида келтириб ўтилганлардан шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг самарали мунтазам усуллари ва алгоритмларини яратиш ҳамда келгусида такомиллаштиришнинг жуда зарурлиги келиб чиқади.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тошкент давлат техника университети илмий-тадқиқот ишлари режаларининг № ЁФ-4-06 – «Созланувчи модели адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг мунтазам усуллари ва алгоритмларини ишлаб чиқиш» (2012-2013), №А-5-42 – «Априор ноаниқлик шароитида технологик объектларни автоматлаштирилган мониторинги ва бошқаришни интеллектуаллаштиришнинг дастурий инструментал воситаси» (2015-2017), №ОТ-Ф4-78 – «Идентификацион ёндашув асосида динамик объектларни адаптив бошқариш системалари синтезининг назарий асослари ва мунтазам усуллари ишлаб чиқиш» (2017-2020) мавзуларидаги лойиҳалари доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолаш алгоритмлари ва ҳисоблаш схемаларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни амалий қўллашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг усул ва алгоритмлари ривожини тизимли таҳлил қилиш;

корреляцион шовқинларнинг нопараметрик тавсифида бошқариш объектларини шартли-оптимал филтрлашнинг турғун алгоритмларини ишлаб чиқиш;

параметрик ғалаёнларни ҳисобга олган ҳолда бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг мунтазам алгоритмларини ишлаб чиқиш;

бошқариш объектлари ҳолатини субоптимал адаптив баҳолашнинг турғун алгоритмларини ишлаб чиқиш;

ночизиқли бошқариш объектлари ҳолатини кўп қадамли баҳолашнинг турғун алгоритмларини ишлаб чиқиш;

аниқ технологик объектнинг адаптив бошқариш системасини синтезлаш масаласини ечишда шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг ҳисоблаш схемалари ва ишлаб чиқилган алгоритмларини амалий синовдан ўтказиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини баҳолаш алгоритмлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини мунтазам адаптив баҳолаш усуллари ва алгоритмларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқот жараёнида тизимли таҳлил, идентификациялаш, баҳолаш, адаптив бошқариш ва нокоррект қўйилган масалаларни ечиш усулларидан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Гаусс-Зейдел усулининг блокли варианты асосида корреляцион шовқинларнинг нопараметрик тавсифида бошқариш объектларини шартли оптимал филтрлашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилган;

ишораси аниқланмаган ёмон шартланган матрицалар тескарисини аниқлашнинг турғун амаллари асосида параметрик ғалаёнларни ҳисобга олган ҳолда бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг мунтазамлашган алгоритмлари ишлаб чиқилган;

псевдотескари матрицани қидиришнинг рекуррент алгоритмлари асосида бошқариш объектлари ҳолатини субоптимал адаптив баҳолашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилган;

номанфий аниқланган матрицаларнинг турғун псевдомурожаат концепцияларидан фойдаланилган ҳолда субоптимал филтрлаш амалининг редукция усули асосида нозизиқли бошқариш объектлари ҳолатини кўп кадамли баҳолашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

нормал ишлаш шароитларида саноат тадқиқоти натижалари асосида табиий газ ишлаб чиқаришда газни паст ҳароратли сепарациялаш жараёнининг математик моделлари ишлаб чиқилган;

газни паст ҳароратли сепарациялаш технологик жараёнини адаптив бошқариш ва автоматлаштиришнинг структуравий ва функционал схемалари ишлаб чиқилган;

жараёнлар кечишининг технологик режимларини барқарорлаш ва унинг самарадорлигини оширишга имкон берувчи техник таъминотга мос келувчи газни паст ҳароратли сепарациялаш технологик жараёнининг бошқариш системаси таклиф этилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги услубий жиҳатдан асосланган назарий ҳисоб-китобларни амалга оширилиши, ҳолатни адаптив баҳолашнинг назарий асосланган концепцияларини қўлланилиши, замонавий автоматик бошқариш назариясининг синовдан ўтган усул ва алгоритмларини ишлатилиши, адаптив бошқаришнинг таклиф этилган усул ва алгоритмларини талаб даражасида яқинлиги, назарий ва амалий тадқиқот натижалари ҳамда уларнинг ўзаро мувофиқлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг конструктив алгоритмларини ишлаб чиқишдан иборат.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг математик ва алгоритмик таъминотини ишлаб чиқиш билан изоҳланади. Ишлаб чиқилган алгоритмлар узлуксиз характерли ишлаб чиқаришдаги технологик жараёнларни бошқаришнинг адаптив системаларини функционал структураларини қуриш ва лойиҳалашни автоматлаштиришда кенг қўлланилиши мумкин.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолаш бўйича олинган илмий натижалар асосида:

параметрик ғалаёнларни ҳисобга олган ҳолда бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг ишлаб чиқилган мунтазамлашган

алгоритмлари «Muborakneftgaz» МЧЖда жорий қилинган («ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АЖнинг 2019 йил 30 январдаги №05/09-58ж-сон маълумотномаси). Натижада ростлагич параметрларини ҳисоблаш аниқлиги ошган;

бошқариш объектлари ҳолатини субоптимал баҳолашнинг ишлаб чиқилган турғун алгоритмлари «Muborakneftgaz» МЧЖда жорий қилинган («ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АЖнинг 2019 йил 30 январдаги №05/09-58ж-сон маълумотномаси). Натижада алгоритмлар газни паст ҳароратли сепарациялаш жараёнининг технологик режимини барқарорлаш имконини берган;

ночизикли бошқариш объектлари ҳолатини кўп қадамли баҳолашнинг ишлаб чиқилган турғун алгоритмлари «Muborakneftgaz» МЧЖда жорий қилинган («ЎЗНЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ» АЖнинг 2019 йил 30 январдаги №05/09-58ж-сон маълумотномаси). Натижада объект параметрлари ва ғалаёнларини ҳисоблаш аниқлиги ошган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Ушбу тадқиқот натижалари 6 та халқаро ва 3 та республика илмий-амалий анжуманларида муҳокама қилинган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 18 та илмий иш, шулардан 8 таси – Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссияси тавсия этган илмий нашрлардаги мақолалар, жумладан, 1 таси хорижий ва 7 таси республика журналларида, халқаро ва республика анжуманларида 9 та тезис нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиши ва ҳажми. Диссертация кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертация ҳажми 124 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсад ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, тадқиқотнинг Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги асосланган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, тадқиқот натижаларини апробацияси, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Биринчи бобда **«Шартли Гаусс филтрлаш асосида бошқариш объектларининг ҳолатини баҳолаш масалалари ва алгоритмлари»** сигнал ва халақитларни статистик баҳолаш усуллари, шартли Гаусс жараёнларининг аҳамияти, ноцизиқли системаларни таҳлил қилиш ва шартли Гаусс филтрлаш асосида бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолаш усуллари, масаланинг қўйилиши ва тадқиқотнинг вазифаси келтирилган. Бошқариш объектлари ҳолатини баҳолаш масалаларида априор маълумотни ҳисобга олиш муҳим, чунки баҳолашнинг нопараметрик аниқлиги юқори бўлмаслиги мумкин. Бироқ параметрик баҳолаш масалаларида ҳам моделнинг структураси ҳақидаги қўшимча априор маълумотлардан

фойдаланиш баҳолар аниқлигини оширишга олиб келади.

Шу муносабат билан бошқариш объектлари динамикаси ва мунтазамлаш усулларига оид тесқари масалалар концепциясини қўллашга асосланган стохастик бошқариш объектлари ҳолатини шартли Гаусс филтрлаш усули асосида адаптив баҳолаш масалаларини системали даражалаш услубияти кўрина бошлайди. Шунинг учун шартли Гаусс филтрлаш усули асосида динамик системалар ҳолатини ҳисоблаш аниқлигини ошириш масалаларини ечишга имкон қадар турли хил ёндашувларни кўриб чиқиш ва нокоррект қўйилган масалаларни ечишда амалий қўллаш учун янада илғор усул ва алгоритмларни аниқлаш мақсадга мувофиқдек кўринади. Юқорида келтирилганлардан хулоса қилиб, шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг мунтазам алгоритмларини ва мунтазамлик усулларини ишлаб чиқиш ҳамда уларни аниқ технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш масалаларини ечишда амалий қўллашга бағишланган диссертация ишининг мақсадини қўйдик.

Тадқиқотнинг «**Шартли Гаусс филтрлаш усули асосида ҳолатни турғун рекуррент баҳолаш алгоритмларини ишлаб чиқиш**» номли иккинчи боби берк стохастик бошқариш тамойиллари асосида динамик бошқариш объектларини синтезлашнинг турғун алгоритмларини таҳлил этишга, дастлабки ахборотлар ҳажмининг чегараланган шартларида бошқариш объектлари бошланғич ҳолатини турғун баҳолашга, номаълум ғалаёнли динамик бошқариш объектлари ҳолатини турғун баҳолаш алгоритмларига ва корреляцион шовқинларнинг нопараметрик тавсифларида бошқариш объектларини шартли оптимал филтрлашнинг турғун алгоритмларига бағишланган.

Шартли Гаусс филтрлаш усули асосида бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг турғун алгоритмларини реализация қилишда кўп ҳолларда, юқори ўлчамли матрицанинг ёмон шартларганлигидан келиб чиқиши мумкин бўлган ҳисоблаш қийинчиликларидан қутулиш имконини берувчи нопараметрик ковариацион усулдан фойдаланилади, шунингдек бундай ҳолда кенгайтирилган ковариацион тенгламалар қуйи тартибли остсистема тенгламалари билан алмаштирилади. Қўрилаётган масалани ечишнинг мунтазам алгоритмининг келтирамиз.

Қуйидаги кўринишдаги чизиқли системанинг ҳолатини баҳолаш масаласини кўриб чиқамиз:

$$x_{k+1} = A_k x_k + \Gamma_k w_k; \quad (1)$$

$$y_{k+1} = C_{k+1} x_{k+1} + v_{k+1}; \quad (2)$$

бу ерда: x_k , y_{k+1} , w_k , v_{k+1} – объектнинг ҳолатлари, ўлчашлари, объект ва ўлчагичдаги шовқинларнинг мос равишда n , l , p , l ўлчамли векторлари; A_k , Γ_k , C_{k+1} – мос ўлчамли дискрет аргументнинг матрицали функциялари, (A_k, C_{k+1}) жуфтлик барча $k \geq 0$ да Кальман қоидаси бўйича кузатилувчи ҳисобланади, бунда $E\{w_k w_{k-i}^T\} = Q_k(i)$, $E\{v_{k+1} v_{k+1-i}^T\} = R_{k+1}(i)$, $(k, i = \overline{0, N})$, $E\{x_0 w_i^T\} = V_0(i)$, $E\{x_0 v_{i+1}^T\} = W_0(i+1)$.

$\alpha < \nu$ тартибли авторегрессия модели орқали объектдаги w_k шовқин ва ўлчашдаги v_{k+1} халақитни силлиқлантиришни кўриб чиқамиз:

$$w_{k+1} = \sum_{j=0}^{\alpha} \Phi_{k-j} w_{k-j} + \xi_k, \quad v_{k+1} = \sum_{j=0}^{\beta} \Lambda_{k-j} v_{k-j} + \eta_k, \quad (3)$$

бу ерда: $\xi_k - w_0, w_{-1}, \dots, w_{-\alpha}$ билан корреляцияланмаган Q_{ξ_k} ковариацион матрицали оқ шовқин; $\eta_k - v_0, v_{-1}, \dots, v_{-\beta}$ билан корреляцияланмаган ва R_{ξ_k} ковариацион матрицали оқ шовқин.

Корреляцияланган шовқинларнинг нопараметрик берилишида кўрилаётган филтрлаш масаласининг асосий нозик амали (3) даги Φ_{k-j} ва Λ_{k-j} матрицаларни баҳолашдан иборат. Λ_{k-j} матрицани баҳолашда ҳам қўлланилиши мумкин бўлган Φ_{k-j} матрицани баҳолашнинг мунтазам алгоритмини келтирамыз.

(3) даги Φ_{k-j} ($j = \overline{0, \alpha}$), Q_{ξ_k} матрицаларнинг моделини қуйидаги кўринишдаги матрицали тенгламалар асосида баҳолаш мумкин:

$$Q_{k+1}^T(1, \gamma) = Q_k(\gamma, \alpha) \Phi_k^T(1, \alpha), \quad Q_{k+1}(0) = \Phi_{k+1}(1, \alpha) Q_k(\alpha, \alpha) \Phi_k^T(1, \alpha) + Q_{\xi_k}, \quad (4)$$

бу ерда: $\alpha \leq \gamma < s$, $\Phi_k(1, \alpha)$, $Q_k(1, \gamma)$, $Q_k(\gamma, \alpha)$ блокли матрицалар эса қуйидаги структурага эга:

$$\Phi_k(1, \alpha) = [\Phi_k, \Phi_{k-1}, \dots, \Phi_{k-\alpha}], \quad Q_{k+1}(1, \gamma) = [Q_{k+1}(1), Q_{k+1}(2), \dots, Q_{k+1}(\gamma+1)];$$

$$Q(\gamma, \alpha) = \begin{bmatrix} Q_k(0) & Q_k^T(1) & \dots & Q_k^T(\alpha) \\ Q_k(1) & Q_{k-1}(0) & \dots & Q_{k-1}(\alpha-1) \\ \vdots & \vdots & \ddots & \vdots \\ Q_k(\alpha) & Q_{k-1}(\alpha-1) & \dots & Q_{k-\alpha}(0) \\ Q_k(\alpha+1) & Q_{k-1}(\alpha) & \dots & Q_{k-\alpha}(1) \\ \vdots & \vdots & \ddots & \vdots \\ Q_k(\gamma) & Q_{k-1}(\gamma-1) & \dots & Q_{k-\alpha}(\gamma-\alpha) \end{bmatrix}.$$

(4) тенгламани қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$Q_{k+1,j}^T(1, \gamma) = Q_k(\gamma, \alpha) \Phi_{k,j}^T(1, \alpha); \quad (5)$$

бу ерда: $Q_{k+1,j}^T(1, \gamma)$ ва $\Phi_{k,j}^T(1, \alpha)$ – мос равишда $Q_{k+1}^T(1, \gamma)$, $\Phi_k^T(1, \alpha)$ матрицанинг j -устунлари, $j = 1, 2, \dots, p$.

(5) тенгламани ечишда $Q_k(\gamma, \alpha)$ матрицанинг юқори ўлчамлилигини ҳисобга олиб, “микроитерация” дан фойдаланган ҳолда нормал системалар учун Гаусс – Зейдел усулининг блокли вариантдан фойдаланамиз:

$$d_r = Q_{k,l}^+(\gamma, \alpha) \phi_r, \quad \Phi_{k,j,r+1}^T(1, \alpha) = \Phi_{k,j,r}^T(1, \alpha) + \xi I_l d_r, \quad \phi_{r+1} = \phi_r - \xi Q_{k,l}(\gamma, \alpha) d_r,$$

бу ерда: $l = l(r) = (r \bmod p) + 1$; $\{l(r)\}_{l=0}^{\infty} - 1, 2, \dots, \alpha + 1, 1, 2, \dots, \alpha + 1, \dots$; $I = (I_1 I_2 \dots I_{\alpha+1})$; $I_l \in R^{p \times p_j}$ кўринишдаги даврий кетма-кетлик; $I - n$ - тартибли бирлик матрица.

Агар $\Phi_{k,j,0}^T(1, \alpha)$ – ихтиёрий вектор бўлса, ϕ_0 мувофиқлаштиришнинг $\phi_0 = Q_{k+1,j}^T(1, \gamma) - Q_k(\gamma, \alpha) \Phi_{k,j,0}^T(1, \alpha)$ шартини қаноатлантиради, унда $\Phi_{k,j,r}^T(1, \alpha) \xrightarrow{r \rightarrow \infty} \Phi_{k,j,*}^T(1, \alpha)$, бу ерда $\Phi_{k,j,*}^T(1, \alpha)$ – (5) тенгламалар системасининг псевдоечими.

Корреляцияланган шовқинларнинг нопараметрик тавсифларида келтирилган чизиқли бошқариш системаларини шартли оптимал

фильтрлашнинг турғун итерацион алгоритмлари шовқинларни силликлантириш матрицаларини ҳисоблашда итерацион жараён аниқлиги ва тезлигини ошириш ҳамда ҳисоблаш қийинчиликларини камайтириш имконини беради.

Ушбу бобда, шунингдек берк стохастик бошқариш тамойиллари асосида динамик бошқариш объектларини синтезлаш, дастлабки ахборотлар ҳажмининг чегараланган шартларида бошқариш объектлари бошланғич ҳолатини турғун баҳолаш ва номаълум ғалаёнли динамик бошқариш объектлари ҳолатини турғун баҳолаш масалалари ҳам кўрилган. Уларни амалий қўллаш соддалаштирилган мунтазамлаштиришнинг ҳисоблаш схемаларида самарадорлиги кўрсатилган.

Учинчи бобда «Шартли Гаусс фильтрлаш усули асосида ҳолатни турғун адаптив баҳолаш алгоритмларини ишлаб чиқиш» параметрик ғалаёнларни ҳисобга олган ҳолда бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашни турғун алгоритмлари, бошқариш объектлари ҳолатини субоптимал баҳолашнинг турғун алгоритмлари, бошқарилувчи объектларни кенгайтирилган ҳолат векторини адаптив баҳолаш алгоритмлари ва ночизикли бошқариш объектлари ҳолатини кўп қадамли турғун баҳолаш алгоритмларига бағишланган.

Динамик объектларни бошқариш системасини синтезлашнинг турли масалаларини ечишда параметрик ғалаёнларни ҳисобга олган ҳолда Кальман фильтри асосида бошқарилаётган объектнинг ҳолат векторини баҳолаш муаммоси пайдо бўлади. Ғалаёнланган фильтр ва $\delta P_i^{(v)}$ тасодифий ташкил этувчининг хатолиги учун қуйидаги тенгламани ёзамиз:

$$\delta \hat{x}_{i+1} = L_0 \delta \hat{x}_i + L_1 \delta A_{i+1}^{(v)} + L_2 \delta H_{i+1}^{(v)} + L_3 \delta Q_{i+1}^{(v)} + L_4 \delta R_{i+1}^{(v)} + L_5 \delta P_i^{(v)}; \quad (6)$$

$$\delta P_{i+1}^{(v)} = N_0 \delta P_i^{(v)} + N_1 \delta A_{i+1}^{(v)} + N_2 \delta H_{i+1}^{(v)} + N_3 \delta Q_{i+1}^{(v)} + N_4 \delta R_{i+1}^{(v)}; \quad (7)$$

бу ерда: $\delta P_0^{(v)}$ - априор ковариацияли матрица элементларини аниқлашнинг вектор хатолиги.

(6) тенглама ҳақиқий баҳонинг стохастик тенгламасини қуйидагича шакллантириш имконини беради:

$$x_{i+1}^0 = L_0 x_i^0 + K_{i+1} y_{i+1} - L_1 \delta A_{i+1}^{(v)} - L_2 \delta H_{i+1}^{(v)} - L_3 \delta Q_{i+1}^{(v)} - L_4 \delta R_{i+1}^{(v)} - L_5 \delta P_i^{(v)}, \quad x_0^0 = \hat{x}_0 - \delta \hat{x}_0;$$

бу ерда: $\delta \hat{x}_i$ – объект ҳолат векторининг ғалаёнланиши.

Бу ҳолда баҳоланаётган кенгайтирилган вектор тенгламаси қуйидаги кўринишга эга бўлади:

$$Z_{i+1} = G_L \cdot Z_i + G_N \cdot \left[\left(\delta A_{i+1}^{(v)} \right)^T \mid \left(\delta H_{i+1}^{(v)} \right)^T \mid \left(\delta Q_{i+1}^{(v)} \right)^T \mid \left(\delta R_{i+1}^{(v)} \right)^T \right]^T + G_c;$$

бу ерда:

$$Z_i = \begin{bmatrix} x_i^0 \\ \delta \hat{x}_i \\ \delta P_i^{(v)} \end{bmatrix}; \quad G_L = \begin{bmatrix} L_0 & 0 & -L_5 \\ 0 & L_0 & L_5 \\ 0 & 0 & N_0 \end{bmatrix}; \quad G_N = \begin{bmatrix} -G \\ G \\ G_1 \end{bmatrix}; \quad G_c = \begin{bmatrix} K_{i+1} y_{i+1} \\ 0 \\ 0 \end{bmatrix};$$

$$G = [L_1 \mid L_2 \mid L_3 \mid L_4], \quad G_1 = [N_1 \mid N_2 \mid N_3 \mid N_4].$$

Кузатиш тенгламасини қуйидаги тарзда ёзиш мумкин:

$$\hat{x}_{i+1} = A_{i+1/i} (x_i^0 + \delta \hat{x}_i) + K_{i+1} (H_{i+1} A_{i+1/i} \Delta_i + H_{i+1} w_{i+1} + v_{i+1}),$$

бу ерда: Δ_i – объект-кузатувчи ғалаёнланмаган системасининг ҳолат векторини оптимал баҳолашнинг вектор хатолиги.

Берилган тенгламанинг функционал характери шартли Гаусс филтрлаш усули асосида қидирилаётган филтр тенгламасини олиш имконини беради. Параметрик ғалаёнлар мавжудлигида стохастик объектни баҳолаш алгоритмини қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$\hat{Z}_{i+1} = G_c + G_L \hat{Z}_i + (G_L J_i A_c^T) F^+ (\hat{x}_{i+1} - A_c \hat{Z}_i); \quad (8)$$

$$J_{i+1} = G_L J_i G_L^T + G_N D_\xi G_N^T - G_L J_i A_c^T F^+ A_c J_i G_L^T; \quad (9)$$

$$\hat{Z}_0 = M(Z_0) = \begin{bmatrix} \hat{x}_0 \\ 0 \\ 0 \end{bmatrix}, \quad J_0 = \begin{bmatrix} D_{\delta x} & D_{\delta x} & 0 \\ D_{\delta x} & D_{\delta x} & \\ 0 & & D_{\delta p} \end{bmatrix};$$

$$F = E_p + A_c J_i A_c^T; \quad (10)$$

бу ерда:

$$D_\xi = \begin{bmatrix} D_{A_{i+1}} & & & 0 \\ & D_{H_{i+1}} & & \\ & & D_{Q_{i+1}} & \\ 0 & & & D_{R_{i+1}} \end{bmatrix} \cdot \delta_{(i+1,j+1)};$$

$$A_c = [1 \ 1 \ 0] \otimes A_{i+1/i};$$

$$E_p = [K_{i+1} H_{i+1} A_{i+1/i} \mid K_{i+1} H_{i+1} \mid K_{i+1}] \begin{bmatrix} P_{i/i-1} & & 0 \\ & Q_{i+1} & \\ 0 & & R_{i+1} \end{bmatrix} [K_{i+1} H_{i+1} A_{i+1/i} \mid K_{i+1} H_{i+1} \mid K_{i+1}]^T;$$

бу ерда: $D_{\delta x}$ – бошланғич баҳолаш векторини аниқлаш хатолигининг ковариацион матрицаси; $D_{\delta p}$ – P_0 априор ковариация матрицаларини аниқлаш хатолигининг ковариацион матрицаси; $D_{A_{i+1}} \delta_{(i+1,j+1)}$, $D_{H_{i+1}} \delta_{(i+1,j+1)}$, $D_{Q_{i+1}} \delta_{(i+1,j+1)}$ ва $D_{R_{i+1}} \delta_{(i+1,j+1)}$ – интенсивликларнинг мос матрицалари; \otimes – кронекер кўпайтмасининг тимсоли.

Псевдотескари матрицаси F^+ бўлган (8) ва (9) ларда Z ва J ларни баҳолаш учун фойдаланиладиган, (10) кўринишидаги F матрица симметрик ёмон шартланган ишораси аниқланмаган матрица бўлади. Қидирилаётган ечимни барқарорлаштириш ва (8), (9) ларда псевдоўзгартириш амалига катта ўлчамдаги турғунлик бериш учун мунтазам услублардан фойдаланиш керак. Ишда (8) ва (9) ларни амалга оширишда симметрик матрицаларни омиллаштиришда Холецкийнинг мунтазамлашган усулидан фойдаланилган.

Келтирилган алгоритмлар стохастик объектлар ҳолатини баҳолашда матрицаларни алмаштириш амалини барқарорлаштириш имконини беради ва шу билан биргаликда объект ва кузатгич параметрларининг ғалаёнланишида ҳолат векторининг ҳақиқий баҳосини олиш аниқлигини оширади.

Маълумки, филтрлаш масаласи ечимининг натижаси тасодифий жараёнларни баҳолашнинг оптимал қоидаси ва унга мос келувчи оптимал баҳолаш қурилмаларининг структуравий схемасидир. Стохастик айирма тенгламалари билан тавсифланадиган қуйидаги $Z^T(k+1) = [X^T(k+1), Y^T(k+1)]$

кўшма жараённи кўриб чиқамиз:

$$Z(k+1) = \Phi_z[k+1, k; Z(k)] + \Gamma_z[k+1, k; Z(k)]N_z(k); \quad k = 0, 1, 2, \dots, \quad (11)$$

бу ерда: $Z(k+1)$ – $(n+m) \times 1$ ўлчамли вектор устун; $X(k+1)$ – $Z(k+1)$ векторнинг $(n \times 1)$ ўлчамли кузатилмайдиган компоненти; $Y(k+1)$ – бевосита кузатиш мумкин бўлган $Z(k+1)$ векторнинг компонент қисми; $\Phi_z[\cdot]$ ва $\Gamma_z[\cdot]$ – аргументлари маълум бўлган вектор функциялари; $N_z(k)$ – мустақил Гаусс тасодифий катталикларининг векторлари.

Тасаввур қилайлик, (11) тенгламанинг ўнг томонига кирган функциялар қуйидаги кўринишга эга бўлсин:

$$\begin{aligned} \Phi_z[k+1, k, Z(k)] &= \Phi_{zx}[k+1, k; Y(k)]X(k) + \Phi_{zy}[k+1, k; Y(k)] = \\ &= \begin{bmatrix} \Phi_{xx}[k+1, k; Y(k)]X(k) + \Phi_{xy}[k+1, k; Y(k)] \\ \Phi_{yx}[k+1, k; Y(k)]X(k) + \Phi_{yy}[k+1, k; Y(k)] \end{bmatrix}, \end{aligned}$$

$$\Gamma_z = \Gamma_z[k+1, k; Y(k)] = [\Gamma_x^T[k+1, k; Y(k)]\Gamma_y^T[k+1, k; Y(k)]]^T.$$

Дискрет филтрлашнинг субоптимал алгоритмларини амалга оширишда одатда умумий ҳисоблаш харажатларини қисқартиришга интилинади. Шу нуқтаи-назардан баҳолашнинг қуйидаги кўринишдаги субоптимал алгоритмдан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

$$\begin{aligned} X^*(k+1) &= \Phi_{xx}[k+1, k; Y(k)]X^*(k) + \Phi_{xy}[k+1, k; Y(k)] + \\ &+ \bar{K}(k+1)\{Y(k+1) - \Phi_{yx}[k+1, k; Y(k)]X^*(k) - \Phi_{yy}[k+1, k; Y(k)]\}, \end{aligned} \quad (12)$$

унда $\bar{K}(k+1)$ узатиш коэффициенти ва $P(k+1)$ ковариацион матрицаларнинг субоптимал қийматлари қуйидаги формулалар билан ҳисобланиши мумкин:

$$\bar{K}(k+1) = [\Phi_{xx}P(k)\Phi_{yx}^T + \Gamma_x\Gamma_y^T][\Phi_{yx}P(k)\Phi_{yx}^T + \Gamma_y\Gamma_y^T]^{-1}, \quad (13)$$

$$\begin{aligned} P(k+1) &= \Phi_{xx}P(k)\Phi_{xx}^T + \Gamma_x\Gamma_x^T + [\Phi_{xx}P(k)\Phi_{yx}^T + \Gamma_x\Gamma_y^T] \times \\ &\times [\Phi_{yx}P(k)\Phi_{yx}^T + \Gamma_y\Gamma_y^T]^{-1}[\Phi_{xx}P(k)\Phi_{yx}^T + \Gamma_x\Gamma_y^T]^T. \end{aligned} \quad (14)$$

Шундай қилиб, (13) ва (14) ифодаларда $\bar{K}(k+1)$ ва $P(k+1)$ матрицаларни ҳисоблашда ҳар қадамда $A(k) = [\Phi_{yx}P(k)\Phi_{yx}^T + \Gamma_y\Gamma_y^T]$ матрицани алмаштириш керак. Ушбу матрицани алмаштириш аниқлиги баҳолашнинг субоптимал алгоритми (12) самарадорлигига жиддий боғлиқ.

(13) ва (14) ифодаларда $A(k)$ матрица квадрат ва мусбат аниқланганлигини эътиборга олсак, қуйидаги рекуррент нисбатлардан фойдаланиш мақсадга мувофиқ бўлади:

$$\gamma_{t+1} = \gamma_t - \gamma_t a_{t+1}^T (a_{t+1} \gamma_t a_{t+1}^T)^+ a_{t+1} \gamma_t, \quad \gamma_0 = I;$$

$$X_{t+1} = X_t + \gamma_t a_{t+1}^T (a_{t+1} \gamma_t a_{t+1}^T)^+ (c_{t+1} - a_{t+1} X_t), \quad X_0 = 0;$$

бу ерда: $a_t, t=1, 2, \dots, n$ – $A(k)$ матрица қаторлари; $\gamma_{t+1}, t=1, 2, \dots, n$ – $(n \times n)$ ўлчамли матрицалар кетма-кетлиги; $c_t, t=1, 2, \dots, n$ – $I - \gamma_n$ матрица қаторлари; $X_t, t=1, 2, \dots, n$ – $(n \times n)$ ўлчамли матрицалар кетма-кетлиги.

Бу ерда $A(k)$ матрицанинг шартланганлигидан келиб чиқиб, ҳисоблаш аниқлигини γ_t матрицанинг қолдиғи билан назорат қилинади $t=1, 2, \dots, n$.

Келтирилган алгоритмлар тасодифий жараёнларнинг кузатилмайдиган

координатасини субоптималь баҳолаш амалининг турғунлиги ва аниқлигини ошириш имкониятини беради.

Жуда кўп ҳолларда бошқариш объектларининг тавсифларида ночизикли тенгламалар ёки ночизикли рекуррент нисбатлардан фойдаланиш кераклиги вужудга келади.

Стохастик системанинг ўлчаш ва динамик тенгламалари қуйидаги айирмали тенгламалар билан тавсифланган бўлсин:

$$X_{k+1} = f(X_k, k) + \sigma(X_k, k)V_{1,k}, \quad X \in R^n, \quad V_1 \in R^T, \quad k = 0, 1, \dots;$$

$$Y_k = \varphi(X_k, k) + \psi(X_k, k)V_{2,k}, \quad Y \in R^n, \quad V_2 \in R^m.$$

бу ерда: $\{V_{1,k}\}, \{V_{2,k}\}$ – шундай ўзаро боғлиқ бўлмаган векторларнинг кетма-кетлиги-ки, бунда k нинг ҳар бир қийматида $V_{1,k}, V_{2,k}$ лар мустақил, нормал тақсимланган тасодифий катталиклардир.

X_k жараённинг \hat{X}_k баҳосини Y_1, Y_2, \dots, Y_k кузатишлар бўйича ўртача квадратик маъносидан энг маъқулини аниқлаш керак. X векторнинг юқори ўлчамлилиги ҳолатида \hat{X} нинг баҳосини аниқловчи тенгламалар миқдорини сезиларли даражада камайтиришга имкон берувчи филтрлашнинг кўп қадамли алгоритмларидан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир. Бундай ёндашишни татбиқ этилиши учун $X \in R^n$ векторни s оствекторларга, яъни $X = [X_1^T, X_2^T, \dots, X_s^T]^T$ кўринишида бўлиб ташлаш керак, бу ерда $X_1 \in R^{n_1}, X_2 \in R^{n_2}, \dots, X_s \in R^{n_s}$ ва $n_1 + n_2 + \dots + n_s = n$.

Берилган алгоритмни қабул қилинган кетма-кет амалига мос равишда, масалан, \hat{X}_i баҳо i -қадамда $i \leq s$ бўлганда қуйидаги рекуррент нисбатлар асосида аниқланади:

$$\begin{aligned} \hat{X}_{i,k+1} &= \hat{X}_{i,k+1/k} + \alpha_{i,k+1} \beta_{i,k+1}^{-1} [Y_{k+1} - \bar{\varphi}_i + \bar{\varphi}_{x_i} \hat{X}_{i,k} - \bar{\varphi}_{x_i} X_{i,k+1/k}], \\ \hat{X}_{i,k+1/k} &= \bar{f}_i(\hat{X}_{1,k}, \dots, \hat{X}_{s,k}, k), \quad \alpha_{i,k+1} = [\bar{f}_{ix_i} P_{i,k} \bar{f}_{ix_i}^T + \sigma_i \sigma_i^T] \varphi_{x_i}^T, \end{aligned} \quad (15)$$

$$\beta_{i,k+1} = \bar{\varphi}_{x_i} [\bar{f}_{ix_i} P_{i,k} \bar{f}_{ix_i}^T + \sigma_i \sigma_i^T] \bar{\varphi}_{x_i}^T + \psi_i \psi_i^T, \quad P_{i,k+1} = \bar{f}_{ix_i} P_{i,k} \bar{f}_{ix_i}^T - \alpha_{i,k+1} \beta_{i,k+1}^{-1} \alpha_{i,k+1}^T + \sigma_i \sigma_i^T.$$

(15) ифодада кўп қадамли баҳолашнинг кўриляётган алгоритмидаги энг кўп меҳнат талаб қиладиган жараён $\beta_{i,k+1}$ матрицани алмаштириш амали ҳисобланади. Ушбу амалнинг бажарилиш сифати баҳолаш алгоритмини ҳисоблашнинг турғунлиги ва аниқлигига жиддий боғлиқ.

Ишда $\beta_{i,k+1}$ матрицани турғун псевдоўзгартириш учун қуйидаги нисбатдан фойдаланилди:

$$\beta_{i,k+1}^+ = T^T (TT^T)^{-2} T; \quad (16)$$

бу ерда: r рангнинг $T_{(n \times r)}$ матрицаси қуйидаги ёйилишдан аниқланади:

$$\beta_{i,k+1} = T^T T.$$

Агарда $\beta_{i,k+1}$ матрица ёмон шартланган ёки хосмас бўлса, (16) даги псевдоўзгартириш амалининг турғунлигини ошириш учун мунтазам амалдан фойдаланиш мақсадга мувофиқдир:

$$\beta_{i,k+1}^+ = T^* (TT^* + \alpha I)^{-2} T;$$


бу ерда: $\alpha > 0$ – мунтазамлаштириш параметри; I – бирлик матрица.

Бу ерда мунтазамлаштириш параметри α ни модели мисоллар усули асосида аниқлаш мақсадга мувофиқдир.

Келтирилган алгоритмлар $\beta_{i,k+1}$ матрицани ўзгартиришнинг ҳисоблаш амалини барқарорлаштирилишини ва шу билан биргаликда ночизиқли стохастик системалар ҳолатини кўп қадамли баҳолашнинг аниқлигини оширилишини осонлаштиради.

Бу ерда бошқарилувчи объектларни кенгайтирилган ҳолат векторини турғун баҳолаш алгоритмларини қуриш масалалари ҳам кўрилган. Уларни амалий қўллаш «мўътадил бузилиш» усулининг ҳисоблаш схемаларида самарадорлиги кўрсатилган.

Диссертациянинг тўртинчи боби «**Ишлаб чиқилган алгоритмларни газни паст ҳароратли сепарациялаш технологик жараёнини автоматлаштириш ва бошқариш масалаларида қўлланилиши**» да паст ҳароратли сепарациялаш технологик жараёнини автоматлаштириш ва бошқаришда шартли Гаусс филтрлаш усули асосида адаптив бошқариш системаларини синтезлашнинг ишлаб чиқилган алгоритмларини қўллаш натижалари келтирилган.




1-расм. Паст ҳароратли сепарациялаш қурилмасининг соддалаштирилган ҳисобий схемаси: 2 ва 4 – иссиқлик алмашиниш қурилмасининг биринчи ва иккинчи поғоналари; 5 – турбодетандер; 1, 3 ва 6 – сепараторлар; 7 – ажратувчи идиш; 8, 9 – жумраклар; G_1, G_2, G_3, G_4 – тегишли нукталардаги газ сарфлари; $\theta_1, \theta_2, \theta_3, \theta_4, \theta_5, \theta_6$ – тегишли нукталардаги газ ҳароратлари; c_1 ва c_2 – мос равишда иссиқ ва совуқ газнинг солиштирма иссиқлик сиғимлари.

Адабиётлар таҳлили ва дастлабки тадқиқот натижаларининг кўрсатишича, газни паст ҳароратли сепарациялаш жараёни кўп алоқали ностационар бошқариш объекти ҳисобланади. Шу муносабат билан ноаниқлик шароитида кўрилатган жараённинг автоном бошқариш системасини таҳлил қилиш ва синтезлаш жуда долзарб масала ҳисобланади.

Олтита асосий каналлар бўйича тажрибавий тадқиқотлар олиб борилди: ростловчи орган 8 нинг сепаратордаги ва диэтиленгликол (ДЭГ) ни кириш нуктасидаги ҳароратларни – W_{11} ва W_{21} га нисбатан ҳолати; ростловчи орган 9 нинг диэтиленгликол (ДЭГ) ни кириш нуктасидаги ва сепаратордаги ҳароратларни – W_{22} ва W_{12} га нисбатан ҳолати; ростланадиган турбодетандер 5 нинг сепаратордаги ва диэтиленгликол (ДЭГ) ни кириш нуктасидаги ҳароратларни – W_{13} ва W_{23} га нисбатан ҳолати.


Газ ҳароратини ростлаш системасининг структуравий схемаси 2-расмда кўрсатилган. Ростловчи қурилма сифатида R_{11} ва R_{22} узатиш функцияли пропорционал-интеграл ростлагичлардан фойдаланилган. R_{12} ва R_{21} компенсацияловчи қурилмаларнинг узатиш функциялари ростланадиган

ҳарорат θ_1 нинг $\theta_{20} - \theta_2$ айирмаси ўзгаришидан ва ростланадиган ҳарорат θ_2 нинг $\theta_{10} - \theta_1$ айирмаси ўзгаришининг эркинлик шартидан аниқланди. Бунда θ_{10} ва θ_{20} – ҳароратнинг берилган қийматлари.



2-расм. Газ ҳароратини автоматик ростлаш системасининг боғланган структуравий схемаси

$\Delta\theta_{20} = 2^\circ\text{C}$ бўлганда ҳарорат ўзгаришларининг 1 ва 2 эгри чизиқлари (3-расм) ингибиторни кириш нуктасидаги ва паст ҳароратли сепаратордаги компенсация қурилмаси бўлмаган системадаги ҳарорат динамикасини, 3 ва 4 эгри чизиқлар эса компенсация қурилмаси бор системадаги ўша координаталар динамикасини тавсифлайди.




3-расм. $\theta_{y1}=2^\circ\text{C}$ (а) ва $\theta_{y2}=2^\circ\text{C}$ (б) бошқариш таъсирларида ўтиш жараёнлари

3-расмдан кўринадикки, ростлаш жараёни боғланган системада ҳам иккита бир контурлида ҳам турғун бўлади.

Газни паст ҳароратли сепарациялаш жараёнини амалга оширишнинг мавжуд шароитларида объектга ташқи таъсир сифатида паст ҳароратли сепарациялаш қурилмасининг киришидаги газ сарфи – f таъсир кўрсатади. Жараён тавсифларининг ўзгариши ва ташқи ғалаёнлар мавжудлигида бошқариш билан боғлиқ схемаларни қўллаш технологик объектнинг оптимал иш режимини таъминламайди. Шундай ҳолатларда объектни энг яхши сифатли бошқаришга эришиш натижасида мос келувчи динамик компенсаторларни қўллаш ҳисобига чиқиш катталигига фақатгина кесишувчи каналларнигина эмас, балки ташқи ғалаёнланишларнинг

таъсирини ҳам тўлиқ йўқотувчи ўзаро боғлиқ бўлган комбинирланган адаптив бошқариш системасини синтезлаш ва қўллаш имкони пайдо бўлади. Бу синфни энг самарали ишлаб чиқиш инвариантлик, адаптивлик ва автономлик тамойилларини амалга ошириш билан боғлиқ бўлади.

4-расмда таклиф этилаётган адаптив автоном инвариант бошқариш системасининг структуравий схемаси берилган.



4 – расм. Паст ҳароратли сепарациялаш жараёнини адаптив автоном инвариант бошқариш системасининг структуравий схемаси.

Идентификациялаш учун объект тенгламасини қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$x(t+1) = b_0 + \sum_{i=1}^{n_1} b_i x(t+1-i) + \sum_{i=n_1+1}^n b_i x(t+1-\tau_1-i) + \sum_{j=1}^m b_{n+j} u(t+1-\tau-j) + \xi(t); \quad (17)$$

бу ерда τ_1, τ – ҳақиқий дискрет кечикишлар, бошқариш таъсирлари $u_1 \leq u(t) \leq u_2$ амплитуда бўйича чекланишларга эга; $b_i (i=0, \dots, n+m)$ – объектнинг номаълум параметрлари; $|\xi(t)| \leq \xi_1$.

(17) тенгламани қуйидаги кўринишда ёзиш мумкин:

$$Y(t) = Z(t-1)\beta(t); \quad (18)$$

бу ерда:

$$Y(t) = (y^T(t) \dots y^T(t-p+1))^T; \quad Z(t-1) = (z^T(t-1) \dots z^T(t-p))^T;$$

$$y(k) = z(k-1)\beta(t), \quad k = t, t-1, \dots, t-p+1;$$

$$z(k) = (1, x(k), \dots, x(k+1-n_1); x(k-\tau_1-n_1), \dots, x(k+1-\tau_1-n); u(k-\tau), \dots, u(k+1-\tau-m));$$

$$\beta^T(t) = (b_0, b_1, \dots, b_{n+m}).$$

$\Delta\beta(t) = \beta(t) - \beta(t-1)$ параметрларнинг вектор орттирмаларини қуйидаги мезонлардан аниқлаймиз:

$$\|e_0(t) - Z(t-1)\Delta\beta(t)\|^2 = \min, \quad \|\Delta\beta(t)\|^2 = \min,$$

Яъни:

$$\Delta\beta(t) = Z^+(t-1)(X(t) - Z(t-1)\beta(t-1)), \quad (19)$$

бу ерда:

$$X(t) = (x^T(t) \dots x^T(t-p+1))^T; \quad e_0(t) = X(t) - Z(t-1)\beta(t-1).$$

Псевдоўзгариш амалининг турғунлигини ошириш мақсадида (19) ифодани қуйидаги кўринишда ёзамиз:

$$\Delta\beta(t) = (Z^T(t-1)Z(t-1) + \alpha I)^{-1} Z^T(t-1)(X(t) - Z(t-1)\beta(t-1));$$

бу ерда мунтазамлаштириш параметри α ни квазиоптималлик ёки нисбатлар усуллари асосида аниқлаш мақсадга мувофиқ бўлади.

$\Delta\beta(t)$ орттирмани аниқлагандан кейин параметрнинг ўзини топамиз:

$$\beta(t) = \beta(t-1) + \Delta\beta(t). \quad (20)$$

t вақтнинг ҳар бир они учун бошқаришни қуйидаги кўринишдаги тенгламага келтирувчи $(y(t+1+\tau) - x^*(t+1+\tau))^2 = \min, u_1 \leq u(t) \leq u_2$ квадратик мезондан аниқлаймиз:


$$u(t) = \begin{cases} u_1, & \text{агар } v(t) < u_1 \text{ бўлса,} \\ v(t), & \text{агар } u_1 \leq v(t) \leq u_2 \text{ бўлса,} \\ u_2, & \text{агар } u_2 < v(t) \text{ бўлса.} \end{cases} \quad (21)$$

Унда:

$$t \geq 0 \text{ бўлганда } v(t) = \beta_{n+1}^{-1}(t) [x^*(t+1+\tau) - L(\beta'(t), y(t+\tau), u(t-1))];$$

бу ерда: $x^*(t+1) - t > 0$ вақтнинг ҳар бир онда белгиланган траектория.

(18–20) ларда келтирилган ифодалар асосида (21) га мос ҳолда объектни идентификациялаш ва бошқариш таъсирларини шакллантириш ишлаб чиқилди. Ўткинчи жараёнлар эгри чиқизлари 5 – расмда келтирилган.



5 – расм. $\theta_{y1}=2^\circ\text{C}$ (а) ва $\theta_{y2}=2^\circ\text{C}$ (б) бошқариш таъсирларида адаптив автоном инвариант бошқариш системасининг ўтиш жараёнлари: 1, 2 – автономлик қурилмаси бўлмагандаги $\theta_1(t)$ ва $\theta_2(t)$; 3, 4 – автономлик қурилмаси бўлгандаги $\theta_1(t)$ ва $\theta_2(t)$.

Шундай қилиб, бошқариш алгоритмларини адаптациялаш ва объектни жорий идентификациялаш алгоритмлари асосида таклиф этилган адаптив автоном инвариант бошқариш системасидан фойдаланиш ностационарлик шароитида газни паст ҳароратли сепарациялаш технологик жараёнларини бошқариш сифатини ошириш имконини беради.

Х У Л О С А

Диссертацияда автоматик бошқариш назариясининг тизимли таҳлил усуллари асосида нокоррект масалаларни ечиш ва динамик филтрлашда

шартли Гаусс филтрлаш усули асосида стохастик бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолаш алгоритмлари ишлаб чиқилди.

Ишлар якунида қуйидаги илмий натижалар олинди:

1. Дастлабки ахборотларнинг чегараланган шартларида бошқариш объектлари бошланғич ҳолатларини мунтазам баҳолаш алгоритмлари ишлаб чиқилди. Таклиф этилган алгоритмлар филтр ишлашининг ўткинчи режимида динамик филтрлаш аниқлигини баҳолаш имконини беради.

2. Номаълум ғалаёнли динамик бошқариш объектлари ҳолатини баҳолашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилди. Олинган алгоритмлар фазо ҳолатининг кенгайиш тамойили асосида номаълум ғалаёнли объектлар учун динамик филтрни синтезлаш амалини бажариш имконини беради.

3. Корреляцион шовқинларнинг нопараметрик тавсифида бошқариш объектларини шартли оптимал филтрлашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилди. Таклиф этилган алгоритмлар шартли оптимал филтрлашнинг итерацион алгоритмларини келиб чиқиш тезлигини ошириш ва ҳисоблаш қийинчиликларини камайтириш имконини беради.

4. Параметрик ғалаёнларни ҳисобга олган ҳолда бошқариш объектлари ҳолатини адаптив баҳолашнинг мунтазамлашган алгоритмлари ишлаб чиқилди. Ушбу алгоритмлар объект ва кузатгич параметрларининг ғалаёнланишида ҳолат векторининг ҳақиқий баҳосини олиш аниқлигини оширади.

5. Бошқариш объектлари ҳолатини субоптимал баҳолашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилди. Бу алгоритмлар тасодифий жараёнларнинг кузатилмайдиган координатасини субоптимал баҳолаш амалининг турғунлиги ва аниқлигини ошириш имконини беради.

6. Бошқарилувчи объектларнинг кенгайтирилган ҳолат векторини баҳолашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилди. Олинган алгоритмлар система параметрларини ва ҳолат векторини қўшма турғун баҳолаш, шунингдек бошқариш ва баҳолашнинг алоҳида остсистемаларини амалга ошириш имконини беради.

7. Ночизиқли бошқариш объектлари ҳолатини кўп қадамли баҳолашнинг турғун алгоритмлари ишлаб чиқилди. Бу алгоритмлар матрицани ўзгартиришнинг ҳисоблаш амалини барқарорлаштирилишини осонлаштиради ва ночизиқли стохастик системалар ҳолатини кўп қадамли баҳолашнинг аниқлигини оширади.

8. Ишлаб чиқилган мунтазам синтезлаш алгоритмлари асосида газни паст ҳароратли сепарациялаш жараёнини адаптив автоном инвариант бошқариш системаси таклиф этилди. Таклиф этилган адаптив бошқариш системаси жараённинг бориш технологик режимини барқарорлаштириш ва унинг сифатини ҳамда бажарадиган вазифасининг самарадорлигини ошириш имконини беради.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ DSc.27.06.2017.Т.03.02 ПО ПРИСУЖДЕНИЮ
УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ ПРИ ТАШКЕНТСКОМ ГОСУДАРСТВЕННОМ
ТЕХНИЧЕСКОМ УНИВЕРСИТЕТЕ
ТАШКЕНТСКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ТЕХНИЧЕСКИЙ
УНИВЕРСИТЕТ**

КОДИРОВ ДИЛМУРОД ТУХТАСУНОВИЧ

**АЛГОРИТМЫ АДАПТИВНОГО ОЦЕНИВАНИЯ СОСТОЯНИЯ
СТОХАСТИЧЕСКИХ ОБЪЕКТОВ УПРАВЛЕНИЯ НА ОСНОВЕ
МЕТОДОВ УСЛОВНО-ГАУССОВСКОЙ ФИЛЬТРАЦИИ**

**05.01.08 - Автоматизация и управление технологическими процессами
и производствами**

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ТЕХНИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Ташкент – 2019

Тема диссертации доктора философии (PhD) зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за №В2017.2.PhD/T169.

Диссертация выполнена в Ташкентском государственном техническом университете.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещен на веб-странице по адресу (www.tdtu.uz) и на Информационно-образовательном портале «ZiyoNet» по адресу www.ziyo.net.uz.

Научный руководитель: **Игамбердиев Хусан Закирович**
доктор технических наук, профессор, академик

Официальные оппоненты: **Гулямов Шухрат Маннапович**
доктор технических наук, профессор

Холматов Даврон Абдуалимович
кандидат технических наук, доцент

Ведущая организация: **Бухарский инженерно-технологический институт**

Защита диссертации состоится «__» _____ 2019 года в __ часов на заседании Научного совета DSc.27.06.2017.T.03.02 при Ташкентском государственном техническом университете по адресу: 100095, г.Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел: (99871) 246-46-00; факс: (99871) 227-10-32; e-mail: tstu_info@tdtu.uz.

С диссертацией можно ознакомиться в Информационно-ресурсном центре Ташкентского государственного технического университета (зарегистрировано №87). Адрес: 100095, г. Ташкент, ул. Университетская, 2. Тел.: 246-03-41.

Автореферат диссертации разослан «__» _____ 2019 года.
(реестр протокола рассылки №__ от «__» _____ 2019 года)

Н.Р.Юсупбеков

Председатель научного совета по
присуждению учёных степеней,
д.т.н., профессор, академик

У.Ф.Мамиров

Ученый секретарь научного совета по
присуждению учёных степеней,
доктор философии (PhD) по техническим наукам

А.М.Назаров

Заместитель председателя
научного семинара при научном совете
по присуждению учёных степеней, д.т.н., доцент

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире в последнее время в области автоматизации технологических процессов и производств особое внимание уделяется разработке методов и алгоритмов оценивания состояния стохастических объектов управления. В этой области разработка регулярных алгоритмов адаптивного оценивания состояния стохастических объектов управления на основе методов условно-гауссовской фильтрации является одной из важных задач. Поэтому возникает реальная необходимость разработки разнообразных методов и алгоритмов адаптивного оценивания состояния сложных управляемых объектов при различных помехосигнальных условиях их функционирования.

В мире ведутся научно-исследовательские работы по созданию универсального подхода к оцениванию состояния стохастических объектов управления, ориентированные на решение задач адаптивного управления динамическими объектами. В связи с этим важной задачей является усовершенствование и модификация методов и алгоритмов адаптивного оценивания состояния стохастических объектов управления на основе методов условно-гауссовской фильтрации в условиях различного рода возмущений и помех.

В настоящее время в Республике уделяется большое внимание направлениям автоматизации и управления, в том числе созданию систем усовершенствованного управления, обеспечивающих энерго- и ресурсосбережение при автоматизации и управлении различными технологическими процессами и производствами. В Стратегии по дальнейшему развитию Республики Узбекистан на 2017–2021 годы обозначены задачи «...сокращения энергоёмкости и ресурсоемкости экономики, широкого внедрения в производство энергосберегающих технологий, повышения производительности труда в отраслях экономики»¹. В этом аспекте создание эффективных алгоритмов адаптивного оценивания состояния стохастических объектов управления на основе методов условно-гауссовской фильтрации, способствующих повышению точности и качественных показателей процессов управления, является весьма актуальным.

